

# Куч — АДОЛАТДА

2015 йил  
23 октябрь,  
жума  
№ 41 (554)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Меҳнат шухрати" ордени билан

**Каримов Исраил Мирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра бошлиғи

II даражали "Шон-шараф" ордени билан

**Ибрагимов Валижон Каримович** — Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

**Метинов Тохир Болтабоевич** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

"Дўстлик" ордени билан

**Кулмуродов Шухрат Комилович** — Навоий вилояти Навбахор тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Пак Владимир Сергеевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти котибияти бошлиғи

**Сапарниязов Баҳадир Базарбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси КеҒейли тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси

**Шестокиров Эдуард Николаевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази бўлими бошлиғи

(Давоми иккинчи бетда)

## Mezon

### Судларга электрон шаклда мурожаат қилиш: миллий амалиёт ва хорижий тажриба

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини изчил ривожлантириш шароитида одил судловнинг сифати ва самарадорлигини ошириш давр талабидир. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этишда ҳуқуқни қўллаш амалиётига, айниқса, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, жамиятимизда демократия ва адолатни таъминлашнинг энг муҳим омил бўлиши суд ҳокимиятини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий асослари қабул қилинган ва амалиётга кенг татбиқ этилаётганини таъкидлаш лозим. Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони шулар жумласига кирди.

Шунингдек, 2012 йил 12 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга илова сифатида тасдиқланган Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурига мувофиқ, маълумотлар алмашишининг

электрон воситалари орқали Олий судга, Олий ҳўжалик судига даъво, илтимоснома ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда судга мурожаат қилиш имконияти берилиши таъминланганини ҳисобга олган ҳолда судларнинг веб-ресурсларини модернизациялаш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган даврда судлар фаолиятида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасида Олий ҳўжалик суди фаолиятида муайян тажриба тўплаганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг 23-моддасига кўра, Ҳўжалик процессуал кодексига бир қатор ўзгартишлар киритилди.

Ҳозирги кунда ҳўжалик судига мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориш тажрибаси амалиётда қўлланилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Бу йилги мавсумда мамлакатимиз деҳқон ва фермерлари ғалла, пахта етиштириш, шунингдек, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот ва бошқа тармоқлар бўйича шартнома мажбуриятини ошириб бажаришди.

Шу муносабат билан Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон деҳқонлари ва фермерлари, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасида таъкидланганидек, ўз ҳаётини дунёдаги энг машаққатли ва олижаноб ишга бағишлаган сиздек фидойи инсонларнинг йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнати ҳисобидан жорий мавсумда 7 миллион 300 минг тонна ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта етиштиришга, шунингдек, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам белгиланган режаларни муваффақиятли бажаришга эришганимиз ҳаммамизга катта хурсандчилик етказди.



## Деҳқон ва фермерлар — ҳаётимизнинг таянч устунлари

Президентимиз раҳнамолигида фермерларга яратилаётган имкониятлар ана шу муваффақиятларнинг асосий омилidir. Жорий йилда ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини адо этишда қишлоқда том маънода етакчи ва қудратли, ҳал қилувчи кучга айланиб, ҳаётимиздан мустақам ўрин эгаллаб улгурган фермерлик ҳаракати, деҳқонларимизда мулкка эгаллик туйғуси, манфаатдорлик ҳисси ошиб бораётгани муҳим аҳамият

касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу йил мамлакатимизда етиштирилган пахта ҳосилининг 90 фоизи юқори навларга топширилди. Албатта, бу сўнгги натижа эмас. Бу кўрсаткич янада ошириш учун юртимизда етарлича шароит яратилган. Ғўза парварлишига алоҳида эътибор қаратилиб, зарур агротехник тадбирлар ўз вақтида ташкил этилаётгани бунда ғоят муҳим ўрин тутди.

Мавсумга пахта тайёргарлик кўриш мақсадида майдонларда пахтанинг

90 фоизи очилганда теримни бошлаш, тоза териш бўйича мониторинг ўрнатилиши ва бошқа ташкилий тадбирлар фермер хўжаликларининг аксариятига биринчи теримдаёқ шартнома мажбуриятларини бажариш имконини берди. Энг асосийси, бутун мамлакатимиз бўйича етиштирилган пахта ҳосили ғоят қисқа муддатлар — 35-40 иш кунда йигиб-териб олинди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 15-16 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этил-

ган XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мамлакатимиз пахта бозорида ишончли ҳамкор эканини яна бир бор яққол тасдиқлади.

Маълумки, ушбу ярмаркада 700 минг тонна Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 800 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдордаги шартномалар имзоланди.

(Давоми тўртинчи бетда)

## Iftixor

### Халқимиз маънавиятининг кўзгуси

Тил халқнинг, миллатнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарини ўзида мужассам этган буюк хазинадир. Ўз она тилига эга бўлиш ва унинг ривожланиши миллатнинг маънавий ўзлигини ифодалайди. Зеро, Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида она тилимизга "миллатнинг руҳи", деб таъриф берилгани бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намойён бўлади, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Шу боис юртимизнинг мустақиллик сари илк қадамлари 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан бошланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўша йили 21 октябрда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили



тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилининг ҳуқуқий мақоми мустақиллик ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намойён бўлади, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Шу боис юртимизнинг мустақиллик сари илк қадамлари 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан бошланди.

Бу жиҳатлар Ватанимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди. Давлатимиз

(Давоми учинчи бетда)

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақамлаб бориш, суднинг мустақилигини таъминлаш, судларни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш борасида дунё ҳамжамияти тан олаётган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## Qonun ijodkorligi

### Озодликни чеклаш — янги жазо тури

у одиллик ва адолат принципини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган

Бу ҳақда сўз борганда, 2015 йил 11 августдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида мамлакатимиз жиноят қонунчилигига навбатдаги ўта муҳим ўзгартишлар киритилганини таъкидлаш лозим. Айтиш керакки, бу қонун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида рўёбга чиқарилаётган ислохотларга янгича мазмун бағишлайди.

Шу вақтга қадар Жиноят кодексининг 43-моддасига кўра, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамок,

интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш каби асосий жазолар қўлланилиши мумкин эди. Юқорида тилга олинган қонун талаби билан жазо турлари кўрсатилган мазкур модда озодликни чеклаш тарзидаги янги жазо турини кўзда тутувчи "д" банд билан тўлдирилди.

Шунингдек, ушбу қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига озодликни чеклаш жазосининг хусусиятлари, уни тайинлаш, ижро этиш, ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи бир қатор ўзгартишлар киритилди.

(Давоми учинчи бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

## ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

## "Мардлик" ордени билан

**Бозоров Азимжон Ахатович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари

**Мансуров Зиёбек Жураевич** — Андижон вилояти Балиқчи тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Ташалиев Сулаймон Темирович** — Сурхондарё вилояти Термиш шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта ёнғин ўчирувчиси

**Тиллаев Икром Рустамжонович** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

**Тургунов Ойбек Абдумомнонович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

## "Жасорат" медаллари билан

**Жумаев Холакбар Тўйчиевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Садиев Суннатилло Нематиллаевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Файзуллаев Комилжон Абдурайимович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Халимов Алишер Анварович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқарма-

си ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили **Холиков Ғофуржон Ғойибназарович** — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси

**Якубов Дилшод Илёсович** (мархум) — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси

## "Солиқ хизматлари учун" медаллари билан

**Ахмадалиев Элмурот Каримович** — Андижон вилояти Шахрихон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Бекмуратов Равшан Отақўзиёвич** — Тошкент вилояти Бекобод тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Гулбаев Анвар Худойбердиевич** — Жиззах вилояти Дўстлик тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Жаксимуратов Кошкарбай Сейтмуратович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирилик молия-иқтисод бўлими бош муҳандис-иқтисодчиси

**Ибрагимов Ойбек Октябевич** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

**Мамуров Боқидир Одилевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик тиббиёт бошқармаси госпитали бошлиғи

**Нарзиев Саётоҳ Эргашевич** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси патруль-пост хизмати батальони командирининг ўринбосари

**Сапаров Зайниддин Зиятуддинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик Қоровул кўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми шахсий таркиб билан ишлаш бўлими бошлигининг катта ёрдамчиси

**Тураева Гулнора Адашевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик ахборот маркази бўлими бошлиғи

**Хидиров Абдуқамол Абдивахобович** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ёрдамчиси

## "Шухрат" медаллари билан

**Абдуллаев Хайрулло Закирович** — Наманган шаҳар Ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Самиков Хикмат Тураевич** — Тошкент шаҳар Сергели тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Собиров Хуршид Шоназаркулович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Темирбулатов Дамир Каримджанович** — Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими тезкор вакили

**Худойбердиев Ойбек Олимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик махсус отряди гуруҳ командири

**Шарипов Суннатилло Махмудович** — Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлими командири

**Шеркулов Холмурод Тожиёвич** — Қашқадарё вилояти Касби тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

## Ўзбекистон Республикаси

## Президенти

## И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 22 октябрь

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, 2015 йил 10 июнь кунини матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш" шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонуннинг 2016 йилнинг 1 январидан эътиборан амалга киритилган 5-моддасига мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодексига ҳам фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонвий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво аризалари, ариза ва шикоятлар билан электрон воситалар орқали мурожаат қилиш борасидаги муҳим вазибаларни самарали ҳал этишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, судларга электрон шаклда ҳужжат тақдим этиш гоёяси 1980 йилларда АҚШда қозғоқ ҳужжатларни сақлаш ишчи кучи ва меҳнат ресурсларини кўп талаб этиши ҳамда жуда катта майдонни эгаллаш каби муаммоларнинг олдини олиш мақсадида пайдо бўлган.

Жаҳон тажрибасида техник ривожланиш даражасининг турличалигидан келиб чиқиб, судга электрон шаклда мурожаат қилиш тартиби ҳар бир давлатда турлича кўриниш хосил қилганини билиб олиш мумкин. Хусусан, Сингапурда фуқаролик ишлари бўйича судга электрон шаклда мурожаат қилиш мажбурий тартиб сифатида мустақамлаб кўйилган.

Мазкур мамлакатда ахборотларни электрон тизим орқали юбориш (EFS-Electronic Filing System) тартиби Олий суд ва куйи туровчи судлар томонидан деярли уч йил мобайнида турли синовлардан ўтган, 2000 йилнинг 1 мартидан эътиборан амалиётга жорий этилди. Сингапур тажрибасига кўра, ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш тизимига кириш учун ундан фойдаланувчи, албатта, рўйхатдан ўтиши, зарур техник ускуналар ва лицензияланган дастурий таъминотга эга бўлиши талаб этилади.

Судлар, ўз навбатида, мустақил сертификатловчи марказ вазибаларни бажаруви рўйхатдан ўтган, фойдаланувчига рақамли сертификат жойлаштирилган ва EFSга кириш учун смарт-карта берилади. Шундан сўнг у электрон тизим таъминотдан фойдаланиши мумкин. Бу мамлакатда мазкур тизимни ташкил этишнинг дастлабки йилларида судларга электрон шаклда ҳужжатларни тақдим этишни рағбатлантириш мақсадида қонун билан ушбу шаклдаги аризалар учун судга умумий тартибда мурожаат қилинганда уни-

## Mezon

## Судларга электрон шаклда мурожаат қилиш: миллий амалиёт ва хорижий тажриба

дирилади қонуннинг 15 фоизи миқдоридан чегирмалар жорий этилган эътиборлидир.

Хозирги кунда суд процессларида фойдаланилиши кўзда тутилган барча ҳужжатлар судга EFS тизими орқали юборилиши талаб этилади. Ахборотларни судга электрон шаклда тақдим этишнинг мазкур тизими бошқа дастурий таъминотлар ёрдамида яратилган ҳужжатларни қабул қилишни рад этади.

Австралия Федерал судида ҳам e-filing (электрон рўйхатда олиш) атамаси билан юритилган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш тизимидан фойдаланилади. Ўз навбатида, Федерал суд Регламенти мазкур онлайн-хизматни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилади. Электрон ҳужжатлар суднинг интернетдаги сайти орқали юборилади. Фойдаланувчиларнинг ариза тақдим этиши ва йўлланма ҳужжатлари учун асосий электрон интерфейс — The Electronic Filing System (EFS), яъни Рўйхатга олишнинг электрон тизими ҳисобланади.

Айтиш кераки, Сингапур тажрибасида бўлгани сингари Австралияда ҳам электрон ҳужжат суд томонидан ўрганиб чиқилиб, унинг қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўйилган, судга тақдим этилган ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, судга электрон шаклда ариза тақдим этиш учун фойдаланувчидан махсус билим талаб этилмайди. Чунки аризалар белгиланган намунадаги шаклни тўлдириш орқали ва махсус файл хажмига кўйилган талабларга риоя қилинган ҳолда тақдим этилади.

АҚШда 2004 йилда қабул қилинган фуқаролик-процессуал қонунга кўра, судга ариза тақдим этишнинг умумий тартиби сифатида суд девонхонасига ҳужжатларни қозғоқ кўринишида жўнатиш мустақамлаб кўйилган. Бироқ ушбу қонунчилик АҚШ судлари ўз Регламентида аризаларни электрон шаклда тақдим этиш тартибини белгилаши мумкин.

Ўз навбатида, электрон шаклда ариза тақдим этиш АҚШ Судлари конференцияси томонидан белгиланган техник стандартларга жавоб бериши талаб этилади. Шу муносабат билан 2004 йилдан АҚШнинг барча судлари судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизимига ўтган.

Фуқаролик-процессуал қонунчиликда судга ариза тақдим этиш ва узаро ҳужжат алмашишнинг электрон шаклда амалга оширилишининг

белгилаб қўйилиши муносабати билан АҚШда суд ишларини юритиш доирасида электрон ҳужжат алмашиши тартибга солувчи махсус ахборот-ҳуқуқий тизимлар ишлаб чиқила бошлади. Мазкур тизимлар ичиде судга электрон шаклда ариза тақдим этишни назарда тутувчи "Case Management/Electronic Case Files" (CM/ECF) деб номланувчи глобал тизим кенг тарқалган. 2006 йилда ушбу тизимни округ судлари ва банкротлик ишларини кўрувчи судларда жорий этиш тўла яқунланди. CM/ECF тизими аппарат ва дастурий таъминотлар учун минимал талабларни белгиловчи таъминотли рўёбга чиқаради, шунингдек, интернет тармоғида суд ҳужжатларининг чоп этилишини таъминлайди. АҚШ судлари Маъмурий офиси томонидан ишлаб чиқилган федерал судларга электрон ҳужжатларни тақдим этиш бўйича кўрсатма талабларига мувофиқ, ҳужжатлар дастлаб белгиланган форматда (PDF) электрон файл шаклида тайёрланади.

Сўнгра фойдаланувчи интернет орқали суд томонидан берилган идентификацион ном ва паролни олади. Бу орқали фойдаланувчи суднинг ахборот тизимига кирилади ва иш тўғрисида зарур маълумотларни, яъни ишнинг рақами, ҳужжат тақдим этилган шахснинг процессуал ҳуқуқий ҳолатига доир маълумотни кирилади, тақдим этилаётган ҳужжатнинг турини кўрсатади ва файлни суднинг ахборот тизимига юклайди.

Суднинг ахборотлар тизими ушбу файлни қабул қилиб олган, ҳужжат юборган шахсни, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни электрон ҳужжат юборилгани тўғрисида автоматик равишда хабардор қилади. Кечакундуқ ишловчи CM/ECF тизимидан фойдаланишнинг қулайлиги шундаки, ҳужжатни қозғоқ шаклида судга тақдим этиш жараёнидан фарқли равишда, судга электрон ҳужжатларни юборётган фойдаланувчидан ҳеч қандай харажат талаб этилмайди.

Айрим хорижий давлатларда судга электрон шаклда ариза тақдим этиш жараёнида аризаларга янада кенг қулайликлар яратиш, уларга бу борада ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун махсус марказлар ташкил этилгани ҳам таъкидлаш лозим. Масалан, Исроилда махсус клиникалар фаолият кўрсатиб, улар ёрдамида судга электрон аризаларни бепул тақдим этиш мумкин. Англияда 2002 йилдан келишилган лойиҳа йўлга

қўйилган бўлиб, унга кўра, даъво аризалари электрон шаклда махсус марказлар — "Money Claim Online", "Claim Production Centre" томонидан ҳам тақдим этилиши белгилаб қўйилган.

Дастлаб ушбу марказлар томонидан фақатгина даъво баҳоси 100 минг фунт стерлинггача бўлган даъво аризаларини интернет тизими орқали судга тақдим этиш мумкин эди. Кейинчалик уларда даъво аризаси юзасидан жавобгарларнинг эътирозларини ҳам интернет тизими орқали судга тақдим этиш имконияти яратилди.

Мазкур тартибнинг жорий этилиши даъвогарлар учун нафақат судга даъво аризани тақдим этиш, қозғоқ, Интернет тизими орқали давлат божини тўлаш, қўрилатган ишнинг бориши билан боғлиқ жараёнларни кузатиб бориш имконини ҳам яратди. Бу борадаги миллий амалиётга қайтайдиган бўлсак, 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунда электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа референтларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши кераклиги белгилангани мақсадга мувофиқдир.

Шу маънода миллий ҳамда хорижий давлатлар қонунчилиги амалиётдан келиб чиққан ҳолда, даъво тартибидеги, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (корролари) устидан берилган шикоятлар бўйича ҳамда алоҳида тартибда юритилган ишлар юзасидан судга тақдим этилаётган даъво аризаси, ариза ва шикоятларнинг мазмунига улар судга электрон ҳужжат шаклида тақдим этилиши, судга электрон ҳужжат шаклида тақдим этилаётган даъвогарнинг (аризачининг) электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши каби талабларни белгилаш лозим.

Зеро, ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали судга бу хилдаги аризалар билан мурожаат қилиш имкониятининг берилиши суд орқали ҳимоя учун янада кенг қулайликлар яратди. Бу, ўз навбатида, одил судловнинг самарасини оширишга, унинг тезкорлиги ва қулайлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**  
юридик фанлар доктори,  
профессор

## Muloqot

## Савол беринг, жавоб берамиз

**Айтинг-чи, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан туғилишни қайд этиш қанча муддат ичида амалга оширилади?**

**Севара ИСМАТУЛЛАЕВА,**  
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани

— Амалдаги Оила кодексининг 205-моддасида туғилишни қайд этиш тартиби ва муддатлари белгилаб қўйилган. Унга кўра, болаларнинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан қайд этилади.

органда бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим.

Боланинг ўлик туғилганлиги, тиббий муассасанинг маълумотномасига биноан 24 соат давомида шу муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан қайд этилади.

**Жиноят ишига тааллуқли бўлган шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари суд залида ошкор этилиши мумкинми? Амалдаги қонунларимизда бу борада қандай меъёрлар белгиланган?**

**Абдугани ҲАМИДОВ,**  
Навоий вилояти, Кармана тумани

— Жиноят процессуал кодексининг 19-моддасида судда жиноят ишларининг ошқора қўрилишига оид маълумотлар қайд этилган. Ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ, шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарно-

малари очик суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ошқор қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

**Айтинг-чи, фарзандининг моддий таъминоти учун алимент тўлайдиган шахснинг иш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақда ундирувчига ким томонидан, қачон ва қандай тартибда хабар қилинади?**

**Зилола АСАТУЛЛАЕВА,**  
Жиззах вилояти, Бахмал тумани

— Оила кодексининг 138-моддасида алимент тўловчининг иш, ўқиш жойи ва турар жойи ўзгарганлиги ҳақида хабар қилиш мажбурияти белгилаб қўйилган. Ушбу модда талабига биноан, суднинг ҳал қилув қарори ёки алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув бўйича алимент ушлаб қолиши лозим бўлган иш берувчи (ташқилот маъмурияти) алимент тўловчи шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида, шунингдек, унинг янги иш, ўқиш жойи ёки турар жойи унга маълум бўлса, бу ҳақда суднинг ҳал қилув қарори ижро

этиладиган жойдаги суд ижро-рочисига ёки алимент олувчи шахсга уч кун муддат ичида хабар бериши шарт.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс ушбу муддатда ўз иш, ўқиш жойи ёки турар жойи ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек, қўшимча иш ҳақи ёки бошқа даромади тўғрисида суд ижросини ҳамда алимент олувчи шахсни хабардор қилиши шарт.

Юқориде кўрсатилган маълумотларни белгиланган муддатда уэрсиз сабабларга кўра, хабар қилмаган тақдирда, айбдор мансабдор шахс ва алимент тўловчи шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**Илтимос, шахсий турар жойни бошқасига алмаштириш тартиби тўғрисида маълумот берсангиз.**

## Ж.ТУРСУНОВ,

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани

— Маълумки, амалдаги Ушбу кодексининг 26-моддасига мувофиқ, мулкда уйи, қаврақ бўлган фуқаролар барча ваюга этган оила аъзоларининг, шу жумладан, вақтинча бўлмаган оила аъзоларининг ёзма розилигига биноан ўзларига эгаллаб турган турар жойни бошқа турар жой мулкдорига ёки уй-жой куриш ёхуд уй-жой кооперативининг аъзоси билан, шунингдек, бошқа аҳоли пунктида яшаётганлар билан

алмаштиришга ҳаққилди. Бунда оиланинг вояга етмаган аъзолари розилиги ота-оналар томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан тасдиқланади.

Бундан ташқари мулкда уйи, квартираси бўлган юридик шахслар ҳам уни бошқа турар жой мулкдори ёки уй-жой куриш ёхуд уй-жой кооперативи аъзоси билан алмаштиришга ҳаққилди.

**Саволларга Олмалик шаҳар 6-сон давлат нотариал идораси нотариуси Феруза Тургунова жавоб берди.**

## Qonun ko'magi

## Шартнома

Авалло шунга айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор суръатларда ривожланиб боришида шартномавий муносабатлар ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боисдан ҳам ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни тўлиқ тартибга солувчи шартнома қонунчилигига изчил риоя этиш ва уни янада такомиллаштириш боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун бу борада муҳим ҳуқуқий асос вазибаларни ўтамоқда.

Эътиборлиси шундаки, адлия идоралари зиммасига шартномалар тузиш чоғида таърифларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, битимларнинг амалдаги қонунчилигимизга мувофиқлигини таъминлаш каби гоятда муҳим вазибалар юқлатилган. Бу борада Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ўтган даврда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан тегишли ташкилот ва идораларга 230 та тақдимнома, 111 та оғоҳнома киритилди.



E'tirof

# Деҳқон ва фермерлар — ҳаётимизнинг таянч устунлари

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Сифати юқорилиги, шунингдек, мамлакатимизда сўнгги йилларда жаҳон бозорига пахта толасига бўлган нарх кескин ўзгаришининг олдини олиш имконини берадиган "А" "Cotlook" индекси асосида нарх белгилашнинг ошқор тизими қўлланилаётгани боис Ўзбекистон пахтасига талаб ортиб бораётди. Бундан ташқари, пахтани экспорт қилиш жараёнига яна учта ташқи савдо компанияси — "Ўзмарказимпекс", "Ўзсанотмашимпекс" ва "Ўзинтеримпекс" ҳам жалб этилди. Улар хориждаги ўз ваколатхоналари ва савдо уйлари орқали серқўёш ўлкамизда етиштирилган ҳосилни хорижий давлатларга йил давомида барқарор етказиб беришни таъминламоқда.



Тақлиф этилаётган пахта сифат кўрсаткичлари юқорилиги билан ажралиб туради ва бу кўрсаткичлар янги навлар яратилиши ҳисобидан йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Айни пайтда юртимиз далаларида серҳосил, толаси узун ва тоза, зараркунданларга бардошли, мамлакатимиз ҳудудларининг тупроқ-иклим шароитига мос қатор эр-ташишарга ўзга навлари етиштирилмоқда. Ўзбекистоннинг олий навли пахта толаси жаҳон бозорига талаб этилаётган асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлган микронейр кўрсаткичига тўла жавоб беради.

Ўзбекистонлик олимлар эришган сўнгги ютуқлардан бири бу — дунёдаги илк ген-нокаут технологиясидир. Мазкур технология чидамли хусусиятларга эга "Порлок" навлари туркумини яратиш имконини берди. Бунинг самарасида мамлакатимизда янги нав толасини сотиш учун нархлар тарификациясига ўзгаришлар киритилди ва ушбу тола бошқа навларга қараганда 12 фоиз қиммат сотилмоқда.

Ярмарка доирасида ўтказилган конференцияда Ўзбекистон дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, экспорт қилиш бўйича бешинчи ўринда туриши таъкидланди.

Ўз навбатида, бу йилги улкан галла хирмонининг аҳамияти ҳақида фикр юритганда, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда галла мустақиллигини таъминлашга гоят катта эътибор қаратилган беҳиз бўлмаганини таъкидлаш лозим.

(Давоми. Бошланиш учинчи бетда)

Бирок қонунчилигимиздаги багрикентлик ва кечиримлик таймовчи қўл келиб, айбланувчи қонунда белгиланганидан ҳам анча озо муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Жиноий қонунчилигимиз мазмун-моҳиятини белгилловчи енгилликлар унга жазони ўташ чоғида ҳам асқотди. 2014 йил бошида жазони тўла ўтаб улгурмаёқ у озодликка чиқарилди.

Асрор жиноий фаолиятдаги бўлғуси ҳамтовоғи, урганлик Бекзод Шамсиевларга жазони ўташ муассасасида рўпара қолган ва озодликка чиқара, улар ўзаро "дўст" тутишига аҳд қилинганда, Сўқир-сўқирни қоронғуда топди. Хилватда тил топишганларнинг тақдирини ҳам бир-бириникига ўхшаш эди. Бекзоднинг ўзи 34 йиллик умри давомида тўрт мартаба судланган. Умрининг каттагина қисмини панжара ортида ўтказди.

Жазони ўташ муассасасида хуфя тил бириктириб, уйга қайтган, бир-бири билан "қалин ошна" тутишига сўз берган ҳамтовоқлар 2014 йил ниҳоясида озодликдаги илк учрашувга отланишди. Анчага ўзгача ўзанда кечди. "Ошна"лар бу ёғига ҳамма қатори тинч ва осойишта турмуш кечириш, фойдали, ҳалол меҳнат билан шугулланиши хаёлларига ҳам келтиришмади. Аксинча, бел оғирмай пул, молдунё топиш, талончилик ва зўравонлик, ўзгалар турмушини заҳар-заққумга айлантириш каби мудҳиш режаларни муҳокама қилишди ва 2015 йилнинг 23 феврал кунини кювлон шум ниятда йўлга чиқилди. Урганч шаҳридаги гавжум бекатлардан бирига бо-

риб, шўй ерда киракашлик қилаётган хайдовчи Суяндиқ Ашуровдан яқин орадаги қишлоқлардан бирига элтиб қўйишни илтимос қилишди. Тун қоронғусида айтилган манзил сари йўлга чиққан машина ярим йўлда тўхтатилди. Асрор ва Бекзод ҳа ёйб, бе йўқ ёши бир жойга бориб қолган Суяндиқ акани оғир металл

ишларнинг маъно-маъмуни ва аҳамиятини англаш учун, аввало, юртимизда асрлар давомида мавжуд бўлиб келган галлачилик тарихи ҳам, серҳосил галла навлари етиштиришнинг ноёб азалий тажрибаси ҳам шўролар даврида бутунлай унутишга маҳкум этилганини, янада аниқроқ айтганда, буларнинг барчаси пахта яккахокимлиги йўлида қурбон қилиб юборилганини эслаш kifoya.

Шундай бир шароитда мустақилликнинг илк давридан Ўзбекистон галла мустақиллигига эришиши керак деб, масалани қатъий қўйиш, бу фикрга одамларни кўндириб, ана шу мақсадга тез орада эришмасак, бошқаларга қарам бўлиб, ипсиз боғлиқ қоламиз, деган фикрни ўтказиш ниҳоятда мушкул бўлганини, Юртбошимизнинг матонати ва шижоати билан бу йўлда қандай долзарб ва оғир муаммолар ҳал этилганини тушуниш-англаш қийин эмас. Зеро, ўшанда вақти келиб юртимиз далаларининг катта қисмига дон сочиб, ҳар гектар ердан истиқлол арасидаги 17 центнер ўрнига, бу кўрсаткичдан уч қарра зиёд, яъни 50 центнердан ошириб галла олишимиз мумкинлигига қўнчилик ишонамиз, десак, адашмаймиз.

Одамларда галлачиликка қизиқиш уйғотиш учун уларнинг меҳнатини, моддий манфаатдорлигини рағбатлантириш доимий эътиборда турди. Шу тариқа йилдан-йилга юксак хирмонлар бунёд этаётган галлакорларимизнинг меҳнати самарасидан элнинг қадди тикланиб, хонадонига қут-барака кир-

моқда. Юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлиги муттасил ортиб бормоқда. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва тараққиёт барқарор бўлиб, юртошларимизнинг ёруғ келажакка ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Энг муҳими, ушбу ютуқлар аввалбошдан бу борада йўлнинг нечоғли тўғри танланганини ҳамда фермерлик ҳаракатининг имкониятлари нақадар бекиёс эканини яна бир бор амалда намоян этиди. Шу маънода, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳар қайси одам "Ким эдигу ким бўлди?" деган ҳаётий ҳақиқатнинг чуқур маъносини тақрор ва тақрор англайди, мустақил тараққиётнинг тўғри йўлини танлаб олганимиз, халқимизнинг фидокорона меҳнати Ўзбекистонимизни бугунги кунда ўзгалар ҳавас қиладиган босқичга кўтариш учун ҳар томонлама асос бўлаётганига ишонч ҳосил қилади.

Яна бир муҳим жиҳат — галлачиликни ривожлантириш орқали Ўзбекистонда озик-овқат саноати, қорвчилик ва паррандачилик тармоқларини тараққий топтириш имкониятлари тубдан кенгайди. Бугун юртошларимиз ун ва нон, гўшт ва суг, туҳум, бошқа қўлаб парҳез таомлари билан тўлиқ таъминлангани, шунинг баробарида бу маҳсулотларнинг тури, сифати ва арзон нархи билан ҳар қанча мақтанасак арзийди.

Бу фикримизнинг яққол тасдиғи сифатида шу йилнинг ёзида Римда БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ хўжа-

лиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларни уларнинг очарчиликка барҳам бериш бўйича савб-ҳаракатлари учун мукофотлаш маросими бўлиб ўтганини эслаш kifoya, деб ўйлаймиз. Чунки Ўзбекистон Республикаси озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришган ва жорий йилда мукофотланган 14 мамлакатдан бири бўлди.

Ўзбекистонга ушбу нуфузли мукофотнинг топирилиши тарихий воқеадир. Ҳолбуки, 25 йил аввал, яъни мустақилликка эришиш арафасида мамлакатимиз асосий озик-овқат маҳсулотлари, хусусан, бугдой, ёрма, гўшт, суг маҳсулотлари, туҳум ва шакарни четдан олиб келишга мажбур эди. Бугунги кунда Ўзбекистон озик-овқат маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжини нафақат мустақил таъминламоқда, балки юртимизда ишлаб чиқарилган товарларни экспорт қилаётди.

Энг асосийси, Президентимиз Этироф этганидек, жорий йилда қўлга киритган марра ва ютуқларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларнинг неғизда ётган омиллари аввало ерга меҳрини аямасдан бераётган, таъбир жоиз бўлса, тупроқдан олтин ундириб яшаётган деҳқон ва фермерларимизнинг юксалиб бораётган дунёқарши, меҳнатга муносабати, қисқа қилиб айтганда, қишлоқ аҳлининг ҳаёт фалсафаси тубдан ўзгараётганида қўришимиз даркор.

Мухтасар айтганда, бугунги юксак марралар юртошларимиз кўнглида эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамлаб, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишига муҳим омил бўлмоқда. Бу каби ютуқларимиз кўпайиб, иқтисодимиз бақувват бўлиб боргани сари халқимизнинг ҳаёт шароитларини янада ошириш, замонамизга муносиб бир-бирдан гўзал ва мухташам иншоотлар бунёд этиш, жонаҳон Ўзбекистонимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган даражага етказиш имкониятлари ҳам кенгайиб бораверади.

Зотан, лафзи ҳалол бободоҳўнларимизнинг муваффақиятлари, бу, аввало, тинч ҳаётимиз, мусафатли осмонимиз, эзгу орзу-интилишларимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.

**Фулом МИРЗО,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист,  
**Бобомурод РАЙИМОВ,**  
"Куч — адолатда" мухбири

G'aroyib olam

Табиатга баҳайбатлиги жиҳатидан денгиз китларидан кейинги ўринда турувчи филларнинг ҳаёт тарзи ва яшаш инсоният томонидан атрофича ўрганилганига қарамай, уларнинг айрим хусусиятлари ҳамон сирлигича қолмоқда.

## Биз билган ва билмаган дунё МЕҲРИ ВА САДОҚАТИ БАЛАНД ЖОНЗОТ

Айтиш керакки, табиатда филларнинг фақат Осиё ва Африка турларигина мавжуд. Афсуски, бугунги кунда Осиё филлари кескин даражада камайиб кетмоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Ёввойи ҳолда яшаб юрган филларнинг қирилиб кетишига асосан уларнинг тишлари тўғайили уош-тириллаётган браконьерлик ҳаракатлари сабаб бўлмоқда.

Аслида филлар йигирманчи аср бошларидаёқ одамзоднинг энг қудратли қўмақчисига айланган улгурган эди. Хусусан, улкан дарахларни судраш, ташиш, юклаш, умуман, энг оғир ишлар улар ёрдамида бажарилган.

Филлар улкан жуссасига қарамай, инсонга энг итоаткор ва садоқатли жонзотлардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда тарихдан жуда қўл мисоллар келтириш мумкин. Масалан, биолог олим И.П.Сосновскийнинг ёзишича, бир гал у Хиндистонга борганида галати манзаранинг гувоҳи бўлади. Ота-она далага отланаётиб, ҳали юришни ҳам билмайдиган болаларини оёғи катта тўнкага занжирлаб қўйилган улкан она фил ихтиёрига ташлаб кетишади.

«Шўрлик фил кун бўйи тик турган ҳолда улкан оёқлари остида эмаклар юрган болакайлари хартуми билан секин жойига қайтариб қўйар, қуёш тик келганда эса, уларни баҳайбат танасининг остига оларди. Фил шу қадар эҳтиёткорлик билан гамхўрлик кўрсатардики, унинг бил-рорта кичкинтойи туртиб юборганининг ўзи нақадар ҳайратланарли эди», — деб ҳикоя қилади олим.

Бу жониворнинг яна бир жиҳати шундаки, ер юзидачи барча ҳайвонлар орасида фақатгина фил хартумлилар синфига мансуб ҳисобланади. Уларнинг хартуми нафақат ҳид билиш, балки маълумот етказиш ва қабул қилиш вазифасини ҳам аъло даражада бажаради. Улар йўлда учраган ҳар бир нарсаи хартуми билан сийпалаб, ейишга яроқлими-йўқми — текширувдан ўтказишади. Қолаверса, она филлар кичкинтойларини хартуми билан силаб-сыйпалаб эркалагани каби, эр-хотин филлар ҳам ўз хис-туйғулари ва меҳрини бир-бирига айнан хартуми орқали изҳор этишади. Одатда, фил хартуми жуда серҳаракат, ҳам чўзилувчан, ҳам қисқарувчи, айланаб, ўралувчи каби гоят ноёб хусусиятларга эга. Энг қизиғи, хартум ичида кўрсаткич бармоқдек келадиган яна бир қўшимча хартумча бўлиб, уни фил шунчалик моҳирона бошқарадики, ерда сочилиб ётган ингичка шохшабадан тортиб, бир дона сомонгача, бир чимдим баргу хашақкача бемалол сидириб олади. Масалан, Хиндистондаги ҳайвонот боғларидан бирида Шанго лақабли фил боласи айнан шу хусусияти билан машҳур эди. Унга «Шанго, тангани қидир!» дейишлари билан у ўт-ўланлар орасини хартуми билан пайпаслаб, бир зумда тангани топиб оларди. Дехлидаги истироҳат боғларидан бирида яшайдиган, эндигина ёшига тўлган митти

филча эса, кун бўйи одамлар орасида бемалол ўйнаб юради, чанқанган пайтида эса, водопровод жўмрагини хартуми билан бураб очиб, чанқоғини қондиради.

Шунингдек, хартум фил учун бешафқат қурол вазифа-яшаб юрган филларнинг қирилиб кетишига асосан уларнинг тишлари тўғайили уош-тириллаётган браконьерлик ҳаракатлари сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда тарихдан жуда қўл мисоллар келтириш мумкин. Масалан, биолог олим И.П.Сосновскийнинг ёзишича, бир гал у Хиндистонга борганида галати манзаранинг гувоҳи бўлади. Ота-она далага отланаётиб, ҳали юришни ҳам билмайдиган болаларини оёғи катта тўнкага занжирлаб қўйилган улкан она фил ихтиёрига ташлаб кетишади.

«Шўрлик фил кун бўйи тик турган ҳолда улкан оёқлари остида эмаклар юрган болакайлари хартуми билан секин жойига қайтариб қўйар, қуёш тик келганда эса, уларни баҳайбат танасининг остига оларди. Фил шу қадар эҳтиёткорлик билан гамхўрлик кўрсатардики, унинг бил-рорта кичкинтойи туртиб юборганининг ўзи нақадар ҳайратланарли эди», — деб ҳикоя қилади олим.

Бу жониворнинг яна бир жиҳати шундаки, ер юзидачи барча ҳайвонлар орасида фақатгина фил хартумлилар синфига мансуб ҳисобланади. Уларнинг хартуми нафақат ҳид билиш, балки маълумот етказиш ва қабул қилиш вазифасини ҳам аъло даражада бажаради. Улар йўлда учраган ҳар бир нарсаи хартуми билан сийпалаб, ейишга яроқлими-йўқми — текширувдан ўтказишади. Қолаверса, она филлар кичкинтойларини хартуми билан силаб-сыйпалаб эркалагани каби, эр-хотин филлар ҳам ўз хис-туйғулари ва меҳрини бир-бирига айнан хартуми орқали изҳор этишади. Одатда, фил хартуми жуда серҳаракат, ҳам чўзилувчан, ҳам қисқарувчи, айланаб, ўралувчи каби гоят ноёб хусусиятларга эга. Энг қизиғи, хартум ичида кўрсаткич бармоқдек келадиган яна бир қўшимча хартумча бўлиб, уни фил шунчалик моҳирона бошқарадики, ерда сочилиб ётган ингичка шохшабадан тортиб, бир дона сомонгача, бир чимдим баргу хашақкача бемалол сидириб олади. Масалан, Хиндистондаги ҳайвонот боғларидан бирида Шанго лақабли фил боласи айнан шу хусусияти билан машҳур эди. Унга «Шанго, тангани қидир!» дейишлари билан у ўт-ўланлар орасини хартуми билан пайпаслаб, бир зумда тангани топиб оларди. Дехлидаги истироҳат боғларидан бирида яшайдиган, эндигина ёшига тўлган митти

Одатда, ёввойи филлар 10-12 та бўлиб яшайди. Кейин бу гуруҳлар йиғилиб, катта тўдаларни ташкил этади. Оилавий гуруҳлар ҳар икки жинсдаги катта филлар, ўсмир ва кичик филчалардан иборат бўлади. Умуман олганда, оилавий тарзда филлар ҳавас қилса аризулик даражада жуда аҳил яшайдилар.

Филларнинг кўпайиш ёши 10-12 ёшга тўғри келиб, ўртача умри 60-70 йилгача этиши мумкин. Она филларнинг хомиладорлик вақти 20-22 ойгача давом этади. Филлар оиласида жуда кам ҳолларда эгизаклар дунёга келади.

Эндигина дунёга келган фил боласи жигаранг тусда бўлиб, бутун танаси майин тук билан қопланган, бошидаги соч шокиллари эса, бежиримгина ва жуда қиройли бўлади. Аммо вақт ўтиши билан ўз тусини ўзгаририб, катта филлар каби қуларанг тусга киради.

Туғилганининг илк кунларидан бошлаб то 1,5-2 ёшга қадар филчалар жуда шўх, одамлар билан ҳам тез мулоқотга киришувчан бўлади. Улар таниш одамни қўриб қолса, қувониб, бўкириб қўйишади ёки қийқириб ўша танишини хартуми билан қучоқлаши, ўйноқ ҳаракатлари билан ҳазиллашши ҳам мумкин. Она филлар одатда, болаларининг ҳар бир қадамини кузатиб туришади ва ўзидан сира узоқлаштирадиган Кичкинтой ҳам нимадан-дир қўчиб кетса, дарҳол онасининг пинжига тикилади, унинг учун онасининг улкан гавдаси мустаҳкам қўرғон вазифасини ўтайди.

Интернет материаллари асосида Мўтабар ХУШВАҚТОВА тайёрлади.

## Эгри йўлнинг адоғи

пушаймонлик ва афсус-надоматдан иборатдир

Суд очерки

буом билан уришга тушишди. Бунинг оқибатида Суяндиқ акани хушидан кетди. Босқинчилар ҳайдовчини силтаганча бир четга суриб, уловга ўзла-ри ўтиришди ва шаҳар томон йўл олишди. Шу орада ўзига келган жабрдийданинг ялини-ёлворилари жиноятчиларнинг юрагини оз бўлса-да, эритди чоғи, улар хилватроқ жойда машинани тўхтатиб, уни йўл четига ташлаб кетишди.

Ҳайдовчининг бор-йўғи 65 минг сўм пули ва нархи 150 минг сўмлик уяли телефон аппаратидан бўлак ҳеч вақоси йўқ эди. Ҳамтовоқлар жиноий режага кўра, пешин вақти Боғот туманига етиб боришди. Туман марказидаги гавжум манзилларга бориб, содда ва ишонувчан кишиларни кўз остига олишди. Шу аснода ҳамтовоқлар зарур юмушлардан сўнг кенга бориб, шахсий машинасида ўз уйи — Хива тумани Саёт қишлоғи сари йўлга отланган Ойбек Холматовга рўпара келишди. Уларнинг сохта ёлвориши ишонувчан О.Холматовни бефарқ қолдирмади. Вақт алламаҳал бўл-

гани, қиш изғирини забтига олаётгани боис уларни совуқда кўчада қолдирилмади. Нотаниш "мижоз"ларни йўл-йўлакай Янгиарик туманига ташлаб ўтишга розилик билдиришди. Минг афсус, яна ўша ҳолат...

Одатда, О.Холматов уйда-гиларни хабардор қилмай бир жойларда қолиб кетмас-улов кимсасиз манзил — Янгиарик туманининг Қўриқтом қишлоғига етганида номаълум йўловчилар Ойбекдан машинани тўхтатишни сўрашди. Ҳайдовчи мижозлар айтган Каттабоғ қишлоғигача ҳали анча борлигини тушунтиришга улгуролмади. Ҳамтовоқлар бир пасда вақоҳати ўзгарди, дўқ-пўписи қилишга ўтишди,

кира ҳақини тўлаш ўрнига ҳайдовчидан пул талаб қила бошлашди. Ойбек қаршисида ҳаёти учун оғир ҳавф пайдо бўлганлигини англади. Талончи-босқинчилар афтидан, олдин Ойбекнинг бор-будини тортиб олиб, кейин ўзларининг шум ниятларини амалга оширишни кўзлашди чоғи, дўқ-пўписани авжига чиқаришди. Ёнидаги бор-йўғини яхшиликча беришни дағдаға билан талаб қилишди. Ниятлари жўнгина амалга ошмагача эса, оғир темир таёқни ишга солишди. Темир таёқнинг тўхтовсиз зарбалари Ойбекни бутунлай ҳолдан тойдирди. У хушидан кетди.

Шундан сўнг босқинчиларнинг бири — А.Ибодов "Дамас"ни бошқаришга тушди. Улар катта канал соҳили бўйлаб ҳаракатланиб бориша-ётиб, бир чоғ, хилват жойда тўхташди ва ҳали-ҳануз беҳуш ётган Ойбекни машинадан олиб чиқиб, сувга ташлаб юборишди. Пировардида ўтказилган суд-тубийёт экспертизаси марҳум О.Холматов нафас йўллари сувга тўлиши оқибатида жон таслим қилганлиги-

...Уша машўм тунда "Дамас"нинг ўриндиқларига бамайлихотир жойлаштирилган ҳамтовоқлар машинанинг айтилган манзилга етиб боришини кўпам қутишмади. Авто-

## Куч — адолатда

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

Бош муҳаррир:  
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил  
23 февралда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам  
билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ  
Светлана АРТИКОВА  
Кўчкор ТОҒАЕВ  
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Ғайрат ХИДОЯТОВ  
Азиз МИРЗАЕВ  
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор  
ҲАМРОЕВ  
Саҳифаловчи:  
Шерзод  
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй  
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54  
E-mail: kuch-adolatda@olysud.uz  
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.  
Буортма: Г-10222. Қорғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотузда эркин нархда. Адади: 7050.  
1 2 3 5 Топшириш вақти: 20<sup>00</sup> Топширилди: 21<sup>30</sup>